2012 йил 5 октябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 203 (12.264)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




Кўргазмалар

## СОҲАДАГИ СЎНГГИ ЮТУҚЛАР НАМОЙИШИ

***Озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатига замонавий технологиялар ҳамда ускуналарни жорий қилиш, бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, шунингдек, амалий алоқаларни кенгайтириш, илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш ва инвестицияларни жалб этиш учун энг мақбул бизнес муҳитини яратиш йўли билан мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.***

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида давом этаётган «FoodWeek Uzbekistan – 2012», «AgriTek Uzbekistan – 2012» озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги 17 халқаро кўргазмасини ташкил этишдан ҳам юқоридаги хайрли мақсадлар кўзда тутилганди.

Кўтаринки руҳда ўтаётган ва ташриф буюрувчиларнинг эътиборини тортаётган ушбу халқаро тадбир ташкилотчилари – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «TNT Expo» масъулияти чекланган жамиятидир.

Мазкур нуфузли халқаро анжуманда жаҳоннинг 14 та мамлакатига мансуб 70 дан ортиқ компания қатнашмоқда. Венгрия, Голландия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Хитой каби мамлакатларнинг етакчи компания ва фирмалари шулар жумласидандир. Бундан ташқари 40 дан зиёд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳам кўргазмада, ўз маҳсулотларини кенг намоён этишди.

Кўргазмалар кўламининг ўзи ҳам озиқ-овқат саноати ва аввало, Ўзбекистоннинг бутун қишлоқ хўжалиги нақадар катта салоҳиятга эга эканлигини яққол кўрсатади. Бундай кўргазмаларни ўтказишдан асосий мақсад – Республикамиз ва МДҲ ҳамда узоқ хориж мамлакатларининг озиқ-овқат корхоналари, қишлоқ хўжалиги мажмуаси ютуқлари ва салоҳиятини намойиш қилиш, сифатли товарлар ва хизматларни таъминлашга йўналтирилган маҳаллий ва хорижий корхоналарнинг энг янги ишланмалари ва илғор технологияларини жорий қилиш, асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришда илғор технологияларни қўллашдан иборат.

Тақдим этилган озиқ-овқат маҳсулотлари, қадоқлаш ускуналари, қайта ишлаш технологиялари, экинларни турли зарарли ҳашаротлардан ҳимоялаш воситалари, қишлоқ хўжалиги техникалари, минерал қўшилмалар ва бошқа экспонатлар кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда, кўплаб ўзаро манфаатли шартномалар имзоланмоқда.

Халқаро кўргазма доирасида конференциялар, давра суҳбатлари, анжуманлар ўтказилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

***Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонасида ташкил этилган давра суҳбати чоғида Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференциянинг иштирокчилари мазкур анжуман якунлари ва юртимизда орттирган таассуротлари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.***

## АҚШлик ЭКСПЕРТЛАР ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ТЎҒРИСИДА

АҚШлик экспертларнинг баҳо беришларича, мазкур конференция нафақат анжуман иштирокчиларининг сони, балки мавзунинг долзарблиги нуқтаи назаридан ҳам йирик халқаро воқеа бўлди.

Илк маротаба 2008 йили Ўзбекистонда бўлиб қайтган **АҚШ Давлат департаментининг Тижорат ва бизнес ишлари бўйича идораси Глобал тадбиркорлик дастурининг масъул ходими Майкл Шенн** кейинги йиллар давомида мамлакатимизда барча соҳаларда эришилган муваффақиятларга ва рўй берган ўзгаришларга юқори баҳо берди.

У халқаро конференция ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг анжуман очилиши маросимидаги нутқи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган вазифалар аниқ мисол ҳамда далиллар асосида чуқур таҳлил этилгани билан ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади. Экспертнинг айтишича, анжуман ялпи мажлиси чоғида намойиш этилган видеофильм ҳам жуда маълумотга бой ва қизиқарли бўлди, чунки ўтган 21 йил ичида Ўзбекистон эришган тараққиёт кўламлари мазкур ҳужжатли фильмда ўзининг аниқ-равшан ифодасини топган.

М.Шенн тезюрар «Афросиёб» поездида Самарқандга уюштирилган сафар ҳам ўзида унутилмас таассуротлар қолдирганини, «Афросиёб» поезди эса мамлакат транспорт инфратузилмасини модернизациялаш борасидаги муваффақиятдан яққол далолат беришини айтди.

«Самарқанд шаҳрининг шу қадар ўзгариб кетгани ва янгиланганини кўриш биз учун жуда қувонарли бўлди. Янги йўллар, муҳташам меҳмонхоналар, магазин ва ресторанлар бунёд этилганига шоҳид бўлдик», деди у.

**«Catalyst Partners» шериклик компаниясининг бошқарувчиси Абраҳам Смит** республикамизда бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратилиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади. 2002 – 2007 йиллар давомида Ўзбекистонда иш олиб боргани ҳолда катта тажриба орттирган А.Смитнинг қайд этишича, республикамизда тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишида салмоқли ижобий ўзгаришларга эришилгани баробарида бизнес манфаатларининг ҳимоя этилиши учун зарур ҳуқуқий асос яратилган. У ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётида саноатнинг ҳиссаси сезиларли даражада ошгани, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўплаб янги корхоналар барпо этилганини таъкидлар экан, Ўзбекистонда янги бизнес-лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш имкониятларини ўрганишдан манфаатдор эканлигини айтди

**Питтсбург университети профессори, Ишбилармонлик тадқиқотлари маркази директори Чонг Янг Ли** мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган халқаро конференция нафақат Ўзбекистон, балки барча хорижлик қатнашчилар учун ҳам фойдали бўлганини қайд этди. Унинг маълум қилишича, мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши йўлида эришган сўнгги муваффақиятлар эътиборга сазовордир. Чонг Янг Ли фикр билдирганидек, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида бизнес муҳитини тубдан яхшилашга йўналтирилган изчил ислоҳотларнинг ўтказилаётгани мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси янада кўпайишига, аҳоли фаровонлигининг юксалишига кўмаклашади.

**Хадсон институтининг етакчи эксперти Ричард Вейтц** юртимизда кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими ўзида катта таассурот қолдирганини билдирди. Экспертнинг айтишича, Ўзбекистон ўз мамлакатини севадиган ва унинг келажагини бунёд этишга тайёр бўлган иқтидорли ҳамда фаол ёшлари билан фахрланишга ҳақлидир.

У, шунингдек, давлатимизнинг минтақавий барқарорликни таъминлашдаги ролига ҳам юқори баҳо берди. Ўзаро ҳамкорлик ҳақида тўхталар экан, эксперт Хадсон институтида Ўзбекистон ташқи сиёсатига бағишланган алоҳида тадбирни ўтказиш имконияти кўриб чиқилишини таклиф этди.

**«Жаҳон» АА**
Вашингтон

***Япония – Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил ривожланмоқда.***

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда ушбу мамлакатнинг махсус тузилмалари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. 1999 йили Тошкентда ўз ваколатхонасини очган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ижтимоий, иқтисодий, гуманитар йўналишларда, хусусан, қишлоқ ва сув хўжалиги, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳаларни ривожлантиришда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган пресс-тур иштирокчилари JICAнинг Кўнгиллилар дастури, Техник ҳамкорлик ва Истиқболдаги ҳамкорлик лойиҳалари доирасида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

– Ўзбекистондаги турли компания ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз йил сайин ривожланиб бораётганидан ғоят мамнунмиз, – деди JICAнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Юкихико Эжири. – Биз Ўзбекистонда ҳар бир қўшма лойиҳани амалга оширишга алоҳида эътибор билан қараймиз, мамлакатингизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлаймиз. Келгусида Ўзбекистон билан ҳамкорликда яна кўплаб истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз.

Журналистлар "Сейсмология, муҳандислик сейсмологияси ва табиий офатлар пайтида бошқариш сиёсати" лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар билан танишдилар. Ушбу лойиҳага биноан  Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг Сейсмология ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги марказида Сейсмология станцияси ташкил этилган. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу станция  Евроосиё қитъаси катта қисмининг сейсмик фаоллигини кузатиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда ушбу соҳани янада тараққий эттиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиникада эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ва қизларни оилага тайёрлаш борасида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши томонидан ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларни замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши ва бандлигига кўмаклашиш борасида ҳамкор ташкилотлар билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **КЕЧА** «Ўзбекистон» меҳмонхонасида шотокан каратэ-до бўйича жаҳон кубоги мусобақаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган давлат гранти танловларида Самарқанд вилоятидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.**

**• Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд-экспертиза маркази Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ) билан биргаликда «Суд экспертизаси ва одил судлов ютуқлари» мавзуида халқаро илмий-амалий семинар ўтказди.**

**• Бухоро тумани Галаосиё шаҳарчасида болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси ишга туширилди. Мусиқа мактаби 2-Бухорожамоақурилиш уюшмасига қарашли «47-кўчма механизациялашган жамланма» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилди. Янги бинода 150 нафар ўғил-қизнинг машғулотлар ўтказиши учун барча қулайликлар мавжуд. Мазкур мактабда ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, металлга ишлов бериш, ёғоч ўймакорлиги, рақс санъати йўналишлари ҳам очилди.**

**• Деҳқонобод туманининг Шўрдарё ҳудудида 3 минг метрдан зиёд чуқурликда Шўрдарё газ ва конденсат кони аниқланди. Мутахассисларнинг фикрича, вилоятдаги газ конларининг Жануби-Ғарбий Ҳисор блоки ҳудудида жойлашган мазкур кондан кунига 650 минг кубометр табиий газ ва 70 тоннадан ортиқ газ конденсати олиш имконияти мавжуд.**

### ЖАҲОНДА

**• Венесуэлада якшанба кунига белгиланган президент сайловлари олдидан сўнгги митинглар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Каракасда ҳозирги давлат раҳбари Уго Чавесни қўллаб-қувватлаш мақсадида минглаб унинг тарафдорлари йиғилдилар.**

**• Американинг Nasdaq биржасида кейинги ярим йил ичида иккинчи марта йирик издан чиқиш ҳолати рўй берди. Яъни дастурий таъминотнинг хатоси туфайли биржа АҚШнинг Kraft Foods етакчи озиқ-овқат компаниясининг акцияларини сотишни тўхтатишга мажбур бўлди.**

**• Кеча Филиппиннинг собиқ президенти Глория Макапагал Арройо ҳибсга олинди. Маълумотларга кўра, у Филиппин тотализаторлари хайрия офиси давлат фондидан маблағларни ўзлаштиришда  айбланмоқда.**

**• Италиялик олимларнинг айтишича, кунига уч дона истеъмол қилинган банан меваси саратон ва инсульт хасталигига чалинишнинг олдини олади. Бундан ташқари, калий моддасига бой мазкур мева қон босими юқори беморлар учун ҳам жуда фойдали экан. Аммо диетологлар бананнинг калорияга энг бой бўлган мева эканини унутмасликни маслаҳат бермоқда. Уларнинг айтишича, банан ўрнини, шунингдек, исмалоқ, ёнғоқ, сут, балиқ ва ясмиқ каби ўсимлик ва маҳсулотлар босиши мумкин.**

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК КЕНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон мустақиликка эришганидан сўнг 1996 йилларга келиб иқтисодиётнинг барча тармоқлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жадал ривожлана бошланди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охирги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарнинг сони ҳам тобора ортиб бормоқда.***

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши турли хил шаклларда амалга оширилиши мумкин. Булардан энг муҳимларидан бири ҳуқуқий кафолатлар ҳисобланиб, бундай кафолат ва имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 апрелдаги «Ўзбекистонда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони ва бошқа қонун ҳужжатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кафолатлар ва имтиёзлар белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шунингдек мазкур соҳага оид қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда прокуратура органлари зиммасига тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, уларнинг ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Юртбошимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини янги босқичларга олиб чиқди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини тезкор таъминлаш мақсадида прокуратура органларида ишонч телефонлари ташкил этилганлиги ҳам назорат самарадорлигига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда янги ташкил қилинган кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки режали солиқ текширувларидан ўтказмаслик муддати 2 йилдан 3 йилгача узайтирилди, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек барқарор ўсиш суръатлари ва рентабелликни таъминлаётган кичик бизнес субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш мутлақо тақиқланди.

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганлиги ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича ишончли ҳуқуқий кафолатларни яратиб берди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробарига қисқартирилди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини — энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 баробаридан 2 баробари миқдоригача камайтирилганлиги ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисоб рақамларини очиш учун тўловларни — энг кам иш ҳақи миқдорининг 1 баробаридан 0,5 баробари миқдоригача, қишлоқ жойларда эса — энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдоригача пасайтирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини рағбатлантиришни кучайтириш ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун қўшимча равишда қулай шарт-шароитлар яратилишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кейинги йилларда Ўзбекистон бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш йўлидан изчил олға силжиш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар комплекси қабул қилиниши белгиланди.

Ушбу Фармонда 2011-2015 йиллар давомида Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар миқёсини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш доирасида фақатгина сўнгги йилнинг ўзида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилиши белгиланди. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди.



Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхона расмийлаштириш тартиб-таомиллари сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида солиққа оид режали текширишлар ўтказилишини тақиқловчи тартиб жорий этилди. Давлат томонидан харид қилишнинг янги, янада такомиллаштирилган, очиқ ва ошкора механизми ўрнатилганки, бунда кичик бизнес субъектларига афзаллик берилади. Барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказиш бошланди.

Қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қуйидаги тартиб-таомилларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишлари белгиланди: банк ҳисоб варақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан, «Интернет-банкинг» тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари; юкларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси; «бир ойна» тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш — Ўзбекистон Республика «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси; тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди орқали амалга оширилиши белгиланди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқа манфаатдор идорлар билан биргаликда тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатишнинг электрон шакллари ва тизимларини жорий этишда юқорида кўрсатилган суд ва давлат бошқаруви органларига, тижорат банкларига амалий ёрдам кўрсатилиши белгиланди.

Тижорат банкларига, тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб варақларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган тўлов миқдорини камида 20 фоизга камайтириш тавсия этилди.

2012 йилнинг 10 сентябрида қабул қилинган қонун билан Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонунчилик ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 30 декабридаги қарорига мувофиқ оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни сотиш бўйича айланма маблағ қўшимча қиймат солиғидан озод этилиши тўғрисида Солиқ Кодексининг 208-модда 36-банд билан тўлдирилди ва б.қ.

Мамлакатимизда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Пировардида бу келажакда кучли иқтисодиётга эга бўлган давлат барпо этишдек эзгу ният кўзланганидан далолат беради.

**Феруза ИБРАТОВА,**
**Тошкент давлат юридик институтининг «Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ ва статистика қўмиталари ҳамда бошқа тегишли идора ва ташкилотлар масъул ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Б.Иминов ва бошқалар тадбиркорлик ривожига қаратилаётган доимий эътибор натижасида хусусий секторнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши тобора ортиб, аҳоли бандлиги ва даромади ошишининг муҳим омилига айланиб бораётганини таъкидлади. Бунда соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган қонунчилик асослари яратилгани алоҳида аҳамият касб этаётир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш билан бирга, уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлади.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар комплексининг қабул қилиниши иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди.

Соҳага оид қонунларнинг такомиллаштирилаётганидан мақсад тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишдир.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

Юксак маънавият — енгилмас куч

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ

***Эркин ва обод Ватанимизни янада юксалтириш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.***

Ушбу ғояни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида кенг тарғиб этиш, дунёнинг турли мамлакатларида кечаётган ўзгариш ва воқеаларни, уларнинг асл сабабларини тушунтириб берадиган ишларни олиб боришда имом-хатибларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Тошкент ислом университетида ўтказилган «Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат» мавзуидаги республика амалий анжуманида бу борада диний соҳа ходимлари ва уламолар олдида турган долзарб вазифалар хусусида сўз юритилди. Унда турли жамоат ташкилотлари вакиллари, имом-хатиблар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида виждон эркинлиги таъминланаётгани, миллий ва диний қадриятлар эъзозланаётгани мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда диний таълимни ривожлантириш, бой илмий-маърифий ва маданий меросимизни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент ислом институти ва Тошкент ислом университети, бир қатор ўрта махсус таълим масканларида ёшларга диний ва дунёвий фанлардан пухта билим берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва қарори билан 2008 йил Самарқандда ташкил этилган Имом Бухорий халқаро маркази юртимиздан етишиб чиққан алломаларимиз ҳаёти ва илмий салоҳиятини ўрганиш, буни халқимиз ва дунё жамоатчилигига танитиш, шунингдек, диний ходимларнинг малакасини оширишда самарали фаолият юритаётир.

Бу ерда таҳсил олган ва малака оширган имом-хатиблар бундан 15-20 йил олдингиларидан анча фарқ қилади. Бугун дин вакиллари юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофда содир бўлаётган воқеалардан доим хабардор, огоҳ бўлиб бормоқда.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови – бу тинчлик ва осойишталикдир.

Бугунги замоннинг ўзи воқеликка очиқ кўз ва теран мушоҳада билан қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда кузатилаётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.

Анжуманда баъзи араб мамлакатларида давом этаётган нотинчлик ва қуролли тўқнашувларнинг асл моҳиятлари таҳлил қилиниб, бунинг оқибатида тинч аҳоли азият чекаётгани таъкидланди. Муаммоларнинг ечими барча томонларнинг қуролли қарама-қаршиликлардан воз кечиб, зиддиятларни музокаралар йўли билан ҳал этишида экани қайд этилди.

Ўзбекистон мусулмонлари бу можаролар тезроқ barҳам топиб, тинчлик ўрнатилишини, вайрон бўлган мамлакатлар тикланиш ва тараққиёт йўлига тушиб олишини истайди. Зеро, ислом таълимотида дунё барча халқ ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган замин, деб таъкидланган, Қуръони каримнинг юзлаб оятларида мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бағрикенгликка чақирилган.

– Тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш фақат муайян соҳалар ходимларининг вазифаси эмас, – дейди ЎзА мухбирига Андижон вилояти бош имомхатиби Нуриддин Холиқназаров. – Бу йўлда барчамиз, бутун халқимиз янада жипс бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз керак. Биз – имом-хатиблар ҳам ўзимизнинг касб маҳоратимиз, нутқ маданиятимиз, дунёқараш ва фикр доирамизни кенгайтиришга доимий эътибор қаратишимиз ҳамда мунтазам изланишда бўлишимиз лозим. Тинчлик ва меҳр-оқибатни ўзида мужассам этган муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодларимизга тўғри тушунтириш ва ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этишни ўзимизнинг долзарб вазифамиз деб биламиз.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз мустақиллигини кўз қорачиғидай асраш, Ватанга садоқат, тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, диний ва миллий бағрикенглик ғояларини тарғиб этиш, жаҳонда рўй бераётган турли низо ва қарама-қаршиликларнинг мазмун-моҳиятини халққа тўғри тушунтириш борасида якдил фикрда эканликларини таъкидладилар.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга теран қараш ҳиссини оширишда имом-хатиблар олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Анжуман иштирокчилари пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуаси ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилдилар.

**Анвар САМАДОВ**

***Шу йилнинг 27 сентябрь куни пойтахтимизга Чехиянинг «Pragoimex» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган 6 та «Vario LF» трамвайлари келтирилди.***

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Ўзбекистонга «Vario LF» русумли 20 та трамвай вагонларини келтириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрь санасидаги «Шаҳар йўловчи ташиш электр транспорти ҳаракатидаги состав паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида назарда тутилган ҳамда «Тошшаҳартрансхизмат» ассоциацияси ва «Pragoimex» АЖ ўртасида 2011 йил 2 июнда имзоланган шартнома асосида амалга оширилди.

Мазкур трамвайлар зарурий божхона ҳамда ишга тушириш амалиётлари ўтказилгандан сўнг жорий йилнинг октябрь ойи бошларида йўналишларга чиқарилади. Пойтахт аҳолисига айни кунларда Чехияда ишлаб чиқарилган 14 та трамвай хизмат қилмоқда. Янги трамвайлар келиб қўшилиши билан улар сони 20 тага етди.

Янги трамвайлар Европа стандартлари талабларига жавоб бериши, ўзининг замонавий дизайни ҳамда юқори сифати билан ажралиб туради. Улар электрон бошқарув пультлари билан жиҳозланган ва бунинг натижасида 30-40 фоизга қадар электр энергиясини тежаш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга улар кучланишнинг 400 дан 900 вольтга қадар ўзгариш ҳолатида, турли табиий шароитлар — 40 даража совуқда ҳамда 70 даража иссиқда ҳам ишлашга мўлжалланган. Ўртача 140 нафар кишига мўлжалланган трамвайларнинг салони юмшоқ ўриндиқлар билан жиҳозланган. Трамвайнинг ўрта эшикларида ногиронлар аравачалари учун махсус ускуналар ўрнатилган.

# БОЗОРЛАРДАГИ ЯНГИ ТАРТИБЛАР

***Ўзбекистон бозорларида савдо фаолиятини ташкил қилиш борасида янги тартиб-қоидалар таъсис этилди.***

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 августидаги 253-сонли қарорига асосан деҳқон бозорларида чорва моллари, парранда ва бошқа жониворлар ҳамда фойдаланилаётган мулкни сотиш бўйича амалдаги тартибларга ўзгартиш киритилди.

Norma.uz портали маълумотларига кўра, мазкур ҳужжатни қабул қилишдан асосий мақсад келгусида мамлакатимиз бозорлари ва савдо мажмуаларини янада ривожлантириш, шу билан бир вақтда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишдан иборатлиги билан аҳамиятлидир.

Белгиланган тартибларга кўра, республикамиз бозорлари савдо йўналиши ва бозор турига қараб маълум тартибда қулайлаштирилади. Жумладан, ҳар бир бозор атрофи чегараланган, ёруғ ва асфальт ётқизилган равон савдо майдончаларига эга бўлиши шарт. Бозорда махсус аравачалар юрадиган йўлкалар, тарозихона, маҳсулотларни сақлаш камералари ҳамда автомобиллар тўхташ жойлари бўлиши лозим. Бозорга кириш ва чиқиш эшиклари иш куни тугаши билан ёпилишини таъминлаш, пештоқида давлат тилида ёзилган иш тартиби, йўналиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилиши зарур. Бундан ташқари, бозор ҳудудидаги барча доимий ва мавсумий савдо павильонлари ва расталари маълум тартибда рақамланган ва ускуналар билан таъминланиши керак.

Бозор ҳудудида ҳужжатлаштирилган савдо нуқталаридан ташқари янги савдо ўринларини ташкил этиш, шунингдек турли машиналар ва контейнерларда маҳсулот келтириб сотиш тақиқланади.

**«Туркистон-пресс»**

